



ГИЖЖАЛАРНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

¹Д.Т. Исмоилов

²Ж.А. Абдухамидов

³Б.Б. Қамбаров

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8010280>

ARTICLE INFO

Received: 27th May 2023

Accepted: 05th June 2023

Online: 06th June 2023

KEY WORDS

Болалар, иммунитет,
холсизлик, бош оғриши,
касаллик, инжиқлик,
микроорганизмлар,
гельментлар, мева
савзавотлар, ингичка ичак,
қорин оғриши.

ABSTRACT

Агар касаллик кузатилса боланинг қорни оғрийди, асабийлашади, жиззаки бўлиб қолади, уйқусида тишларини ғижирлатади. Орқа чиқарув аъзоси қичишади, бола уни қашийвериши натижасида у ерда тошма ҳосил бўлади, тери юзаси йиринглаши мумкин. Паразит нажас чиқиш йўллариغا 5 мингдан 150 минггача тухум қўяди. Улар тез ривожланади ва ичак орқали бутун танага тарқалади.

Гельминт – грекча Helminthes – гижжа, гельминтларнинг ҳайвонлар организмга биологик таъсири натижасида ривожланадиган касаллик. Гельминтлар (гижжалар) патологик микроорганизмлар, инсоннинг ёшлик даврларидан бирга бўладиган ҳамроҳи дир. Улардан қўрқиб керакми, уларни қачон ва қандай даволаш керак, болалар касалланмаслиги учун нима қилиш керак – каби саволларга ушбу мақола орқали жавоб топасиз.

Паразитлар инсонга қандай юқади? Айрим гельминтлар ҳам инсонларда, ҳам ҳайвонларда паразитлик қилиб касаллик чақиради, бундай касалликларни «гельминтозоонозлар» деб юритилади. Масалан: Taenia Solium, Taeniarhynchus saginatus, Echinococcus granulosus, coenurus cerebralis ва бошқалар. Шунинг таъкидлаш керакки, айрим гельминт турлари ҳайвонлардан инсонларга ўтиб, касаллик қўзғатиши мумкин. Эхинококкоз, трихинеллез, цистицеркоз ва бошқа бир қанча паразитлар одамларда оғир кечадиган, инсон ҳаётига таҳдид соладиган касалликлар жумласидандир, кўриниб турибдики, ушбу касалликларни ўз вақтида бартараф этиш нафақат иқтисодий, шу билан бирга ижтимоий аҳамиятга ҳам эга.

Ҳозирги даврда болалар орасида кўп учрайдиган касалликлардан бири бу гельминтоз касалликларидир. Гижжалар ўзидан организмни заҳарловчи модда ишлаб чиқаради. Натижада асаб, ошқозон-ичак, нафас олиш, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда гижжаларнинг энг кўп учрайдиган турлари аскарида, острица, лямблия, энтеробиоз, трихоцефалёз кабилардир. Бир организмда турли хил гижжалар бўлиши мумкин. Фақатгина таҳлил натижалари организмда қайси тур гижжа

яшаётганини аниқлаб беради. Гижжалар бир неча гуруҳга бўлинади. Ҳозирги вақтда нематода – ясси чувалчангсимон гижжалар кўпроқ учрайди. Гельминтозлар инсон организмга паразит чувалчанглар (гижжалар) кириши натижасида юзага келади. Чувалчанглар ўзи яшаб турган вужуддаги озиқалар ҳисобига кун кўради. Масалан, улар дармондорилар, оқсиллар, углеводлар ва микроэлементларни ютади, айримлари эса қон сўради. Ҳозирги кунда бундай зараркундаларнинг 250 га яқин тури аниқланган бўлиб, шулардан 9 хили болаларда учрайди. Шифокорларнинг айтишича, паразитлар турига қараб турли усулларда юқиши мумкин. Масалан, аскаридалар, асосан, қўлини яхши ювмайдиган болаларда кўп учрайди. Острисалар эса одамга ифлос қўллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда оғиз ва бурунга тушадиган чанг орқали ҳам юқиши мумкин. Бола туғилгандан бир неча ой ўтиб актив ҳаракат қила бошлайди, у атроф оламни сезги органлари билан ҳис қила бошлайди, биринчи навбатда – қўллари билан. қўллар ёрдамида қўлга илинган нарсаларни ушлаб кўради, ерда эмаклаб юради ва бармоқларини оғзига олиб боради. Шундай йўл билан барча паразитларнинг тухумлари бола организмга тушади.

Болаларнинг мева-сабзавотларни ювмасдан ейиши, ўйинчоқларини, ўқув қуролларини оғзига солиши натижасида гижжа пайдо бўлади. Агар касаллик кузатилса боланинг қорни оғрийди, асабийлашади, жиззаки бўлиб қолади, уйқусида тишларини гижирлатади. Орқа чиқарув аъзоси қичишади, бола уни қашийвериши натижасида у ерда тошма ҳосил бўлади, тери юзаси йиринглаши мумкин. Паразит нажас чиқиш йўллари 5 мингдан 150 минггача тухум қўяди. Улар тез ривожланади ва ичак орқали бутун танага тарқалади.



Ҳайвонлар гельминт ва уларнинг инвазион тухуми ҳамда личинкалари билан зарарланган ем-хашак, сув ва инфлосланган асбоб-ускуналар орқали касаллик юқтиради. Кўп йиллик илмий тадқиқотлардан маълумки, гельминтозлар чорвачиликга жуда катта иқтисодий зарар келтиради. Шунинг учун, даставвал, касаллик кенг тарқалиб кетганда, чорвачилик фермаларда ташкилий жиҳатдан турли хил чегараланишлар ўтказилиши лозим. Гельминтоз касалликлари сурункали тарзда ўтади. Бунда ҳайвонлар ориқлайди, уларнинг гўшт маҳсулоти ва жунининг миқдори камайиб, сифати пасаяди. Шунингдек, сигирлар сути камаяди, бўғоз моллар эса бола ташлайди. Ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан қолади. Мажбурий равишда сўйилган моллар гўшт ва ички аъзоларининг аксарият қисми яроқсизга чиқарилади. Узоқ муддатга касалланган ҳайвонлар кучсизланиб, турли юқумли ва юқумсиз касалликларга мойил бўлиб қолади. Бундан ташқари, гельминтозлар билан



зарарланган подаларда танлаш, саралаш ва умуман наслчилик ишларини йўлга қўйиш тадбирларига ўрин қолмайди.

Касаллик белгилари: Гижжаларнинг хили, сони ва қайси органда паразитлик қилишига қараб касаллик ҳар хил кечади. Паразитлар билан зарарланган одамнинг вазни камаяди, қоринда оғриқ, кўнгил айниши, ич кетиши ёки бош айланиши, жиззакилик пайдо бўлади. Гижжа ичакда бўлса – ич қотади ёки ич кетиши, кўнгил айниши, қайт қилиш ҳолатлари кузатилади. Жигарда бўлса - кўз оқи ва бадан сарғаяди, шиш пайдо бўлади, баданга ҳар хил доғлар тушиши мумкин. Ўпкада бўлса - иситма чиқиши ва йўтал пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, одамнинг меҳнат қобилияти пасаяди, болаларда ривожланиш орқада қолади, яхши ўсмайди, хотира пасаяди, уйқуси нотинч бўлади.

Гелментлар ўзи нима? Гижжалар – чувалчанглар, ўзининг паразитлик ҳаётини одам организмида ўтказувчи организмлардир. Бунда одам ёши рол ўйнамайди, катталар ҳам болалар ҳам бир хилда касалланиши мумкин.

Гелментларнинг баъзи турлари ўлкамизда кенг тарқалган бўлиб, улар паразит чувалчанглардир ва уларнинг 3 катта гуруҳга бўлинади:

- Юмалоқ (нематодалар) острица, аскарида;
- Тасмасимонлар (сестодалар) – чўчка солитёри, қора мол солитёри, эхинококк;
- Ясси чувалчанглар, сўрувчилар (трематодалар)

Жойлашадиган жойига кўра улар қуйидагиларга бўлинади:

- Ичак гуруҳидаги паразитлар;
- Ичакдан ташқаридаги паразитлар (бошқа органларда паразитлик қилувчилар: жигар, упка, юрак ва бошқаларда).
- Айрим паразит чувалчанглар одам организмидан ташқарида ҳам кўпаяди ва миграция қилади.

Барча паразитлар чувалчангларнинг деярли 90 %ини юмалоқ чувалчанглар – нематодалар ташкил этади. Болаларда энг кўп учрайдиган паразит – острица (оддий гижжа), энтерибиоз касаллигини чақиради. Ушбу гелминтлар катта бўлмаган ўлчамда ўртача 1 см, оқ-кулранг рангда, эгилган танали организм. Бу паразитларнинг жойлашиш жойи йўғон ичакдир, баъзида улар ингичка ичакнинг пастки қисмида жойлашиши ҳам мумкин. Острицанинг кўпайиши анал тешиги териси атрофида кечади. Тунда острица урғочиси тухумларининг қўйиш учун тери бурмаларига боради, қиз болаларда кўпинча қин лабларига ҳам ўтади. Ушбу гелминтлар 1-1,5 ой ҳаёт кечиради. Бола ўз-ўзини зарарлаши унинг йиллар давомида безовталаниб юришига сабаб бўлади.

Паразитни оддий (қуролланмаган) кўз билан ҳам нажасда ҳам кўрса бўлади. Паразитлардан яна бир кенг тарқалган, болаларда кўп учрайдиган тури – аскарида. Бу нематодалар ўлчами 15 смгача етади. Паразит ингичка ичаклар қовузлоғида жойлашиб олиб тушаётган овқатларни еб қўяди. Аскарида нажасга камдан-кам ҳолларда тушади. Урғочи аскарида тухумларини нажас анализига топиш мумкин. Агар нажас таҳлилида тухумлар топилмаса, бу дегани бола аскарида билан зарарланмаган дегани эмас. Аскариданнинг ҳаёт цикли бир неча йилларга етиши мумкин.



Ҳозирда энг кўп учраётган паразит тури бу - лямбля ҳисобланади. Лямбля – оддий, содда жонивор. У ўзидан ўзи одам организмида кўпаяди. Лямблянинг аломатлари иштаҳа бўлмайдиган, эрталаб нонушта қилишга қийналиш, кун бўйи оч қоринда юриш, болаларда инжиқлик, жиззакилик, ич ўз-ўзидан кетиши ва қотиши бўлади.

Юздаги оқ доғлар ҳар доим ҳам гижжа аломати эмас экан. Улар замбуруғдан ҳам бўлиши мумкин. Лямбляни кўпинча клизма қилишади, ҳолбуки, уни йўқотишда клизма қилиш бефойда. Чунки клизма лямбля ўрнашган жойгача етиб бормайди. Лямбля ўт йўлларида, ўн икки бармоқ ичагида кўпроқ паразитлик қилади. Биз таом тановул қилганимизда, овқат ҳазм бўлиши учун, ошқозондан кейин ўн икки бармоқли ичакка ўтади. Лямбля ўн икки бармоқдаги одам учун керакли витаминлар, минераллар, калий, кальцийлар билан озиқланади. Лямбля қайнатилмаган сув ва ичимликлардан юқиши мумкин. Лямбляни даволаш усулларида бири уни ўлдирадиган дори 5 кун ичилади. Лекин бу дорини беришдан олдин жигарни яхшилаб текшириш керак. Кейин ўлган лямбляларни 5 кун ич сураб қилиб тушириш лозим. 20 кун ёки 1 ой ўт ҳайдовчи (маккажўхори попуғи) ни берилса, лямбля ўлиб кетади. Гижжалар билан кимлар кўпроқ зараланади?

Гигиена қоидаларига риоя қилинмаса;

- Уйда тозалаш ишларини регулар бажармаса;
- Яхши ювилмаган мева ва сабзавотларни еганда;
- Уйда ҳайвонла сақланса;
- Бола сайрдан кейин, ҳожатдан кейин ва айниқса овқатланишда аввал қўлларини ювиш ўргатилмаган бўлса, бу болалар бошқаларга нисбатан гелментлар билан кўпроқ зарарланишади.

Гижжа аломатлари қандай?



Паразитларнинг инвазиясида кузатиладиган симптомлар унинг тури, тухумлари миқдори ва боланинг курашиш қобилиятига боғлиқ. Симптоматик суръат ҳар хил кўринишда келади. Агар бола паразит чувалчанг тухумларининг кўп миқдорда зарарланса, умумий аҳволнинг ёмонлашиши бир неча суткаларда юзага келади. Бошқа ҳолатларда симптомлар бир неча ҳафтalar ва ойларда кўринади. Боланинг иммунитетини ҳам катта рол ўйнайди, организм паразитларнинг кўпайишини тўхтатиб туриши ҳам мумкин, лекин маълум вақт ўтиб организм сусайганда паразитлар юзага чиқиб, оғир муаммоларга олиб келиши мумкин. Бирламчи белги бу заҳарланиш (интоксикация)дир. Паразитлар ҳаёт давомида катта миқдорда токсинлар ажратиб туриши, болада оқсил, ёғ, углевод ва витаминлар етишмовчилигига олиб келади.

Болада гижжа бўлса, қуйидаги белгилар кузатилади

-Озиб кетиш, тери рангининг рангпарлиги, ҳолсизлик, бош айланиши;

-Тана ҳароратининг кўтарилиши;

-Бош оғриғи, уйқунинг бузилиши ва кайфиятнинг ўзгариши.

-Ичаклар томонидан – ич қотиши, ич кетиши, қорин дам бўлиши ва оғриқлар, кўнгил айнаши ва қайт қилиш, қорин соҳасининг ба'зи жойларида оғриқ сезиш;

-Аллергик ҳолатлар – қичишиш, тошмалар, йўтал, нафас а'золари шиллиқ қавати яллиғланишлари;

-Иммунитетнинг сусайиши натижасида бошқа инфекцион касалликлар билан касалланиш.

Бу умумий симптомлар энтерибиоз ва аскарида учун ҳам хос. Бола зарарлангандан кейин ва биринчи белгилар пайдо бўлганда, паразитларга гумон қилинганда қуйидаги тадбирлар ўтказилиши шарт:

- Нажас анализи 3 марта, оралиғи бир неча кун бўлиши керак;
- Қоннинг гельминтларга анализи;
- Қоннинг умумий таҳлили (острица тухумларига);
- Қўшимча текширув сифатида:
- Ички аъзолар УТТ;
- Рентгенография;
- КТ ва МРТ;

Бу текширувлар паразитларнинг бошқа органларда жойлашган жойларининг аниқлаб беради.

Ёдда тутинг! Гельминтларга текшириш ҳар доим ҳам мусбат натижа беравермайди. Гижжани даволаш: Антигельминт препаратлар токсик, заҳарли хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, болага зарар етказиб қўймаслик мақсадида эҳтиёткорлик чораларини кўриш керак. Шифокор гельминтга қарши дори препаратларини тавсия қилганда, уни қачон, қанча миқдорда ва қандай ҳолатда ичиш кераклиги ҳақида аниқ маълумот олинг. Ва шунга қатъий амал қилишингиз зарур. Энг асосийси – ўзбошимчалик билан даволашга уринманг! Дори препаратларини фақатгина шифокор кўрсатмаси бўйича қўллаш шарт. Айрим ҳолларда бир неча дориларни биргаликда босқича-босқич қўллашга ҳам тўғри келиб қолади. Пирантел болаликнинг иккинчи ярмидан буюрилса бўлади. Бу препарат педиатрияда кенг қўлланилади. Бир марта буюрилади. Шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш шарт. Ножўя таъсирларига қорин



пастки соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айнаши, ич кетиши, тана умумий қалтираши, кўз ўткирлиги пасайиши, галлюцинациялар пайдо бўлиши, кайфиятнинг ўзгариши ва бошқалар.

Аммо ножўя таъсирлари анча хавфли. Қоринда оғриқлар, кўнгил айнаши, ич кетиши, тана ҳарорати кўтарилиши, аллергия реакциялар, соч тўкилиши. Қон томонидан эритроцитлар ва лейкоцитлар сони камайиши, эозинофиллар сони ошиши (аллергия). Ҳомиладорлик ва лактация даврида буюрилмайди. Албендозол 2 ёшдан катта бўлган болаларга буюрилади. Вермокс билан бир хил таъсир кўрсатади, аммо эффекти кўпроқ. Оғир паразитар гельментозларда қўлланилади. Препарат қатъий шифокор томиндан стационар ҳолатда буюрилади. Юқоридаги препаратлар каби ножўя таъсирлари борлигини ҳам унутмаслик лозим. Декарис (левомизол) 3 ёшдан катта болаларга буюрилади. Кенг спектрдаги гельментозларда қўлланилади. Ножўя таъсирларига эътибор беринг: судорги бериши, бўғимларда оғриқ, жигар функцияси бузилиши. Препарат кучли токсик хусусиятга эга бўлганлиги сабабли адсорбентлар билан бирга буюрилади.

Шунинг учун гельминтозларга қарши курашиш тадбирларини тиббиёт-санитария ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи таъкидламоқда. Шундай экан, гельминтозларга қарши курашиш тадбирларининг асосий қонун-қоидалари ҳамда кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйиш керак. Эпизоотологик маълумотларга гельминтозларнинг тарқалишига табиий шароитларни (иқлим, мавсум, тупроқ, ҳаво, сув манбаълари ўсимликлар тури ва бошқаларни), ҳайвонни ёши, жинси, зоти, уларни боқилиши, асралиши, ишлатилиши, ёш молларни парвариш қилиниши ва бошқа омилларни таъсири ҳисобга олинади.

Клиник белгилар гельминтозларда марказий нерв системаси фаолиятининг бузилиши (ценурозда), теридан қон кетиши (сетариозда), конъюнктивит ва кератит (телязиозда) содир бўлади. Аммо кўпчилик касалликларда яққол намоён бўладиган клиник белгилар кўпинча кўзатилмайди ва буларни аксариятида у субклиник ҳолида кечади. Шу сабабли клиник белгиларига асосланиб касалликка диагноз қўйиш ишончли натижалар бермайди. Чунки улар фақатгина тез-тез учрайдиган ва кам ҳарактерли белгилар билан чегараланади холос. У ҳам бўлса овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини бузилиши, ориқлаши, ёш молларни ўсишидан ортда қолиши, кунлик семиришни секинлашиши, маҳсулдорликни камайиши ва бошқалардан иборат бўлади. Бу белгилар эса бошқа касалликларда ҳам учрайди. Шу сабабли касалликка аниқ диагноз қўйиш имконини бермайди. Халқ табобатида гельмитларга қарши қўлланиладиган усуллар жуда кўп. Замонавий тиббиёт ҳам халқ табобати паразитар касалликларда фойда беришини тасдиқламоқда. Лекин бу усуллар паразитлардан тўлиқ қутилишга кафолат бермайди. Гижжани тушириш учун табиий ретцептлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради:

Хом ёнғоқнинг мағзини олиб, 1 стакан қайнаган сувга солиб, унга 1 чой қошиқ туз солинади. Ҳосил бўлган аралашмани кун давомида ичиб юриб, сўнг юмшатувчи препаратлар ичилади. Шувоқ кукунидан 1 чой қошиқ 0,5 литр қайнаган сувга солинади, бироз вақт қутилади, болага овқатланишдан ярим соат олдин 2 чой



қошиқдан кунига 3-4 маҳал берилади. Отқулоқ (шавел) нинг 5 кг миқдорини 1 литр сувда қайнатиб 2 соат кутилади.

Тайёр бўлган аралашмани 2 ҳўпламдан овқатдан олдин ичиш тавсия қилинади. Итшумурт (крушина) ўсимлигининг илдизидан 1 ошқошиқ олиб, 1 стакан қайнаган сувга солинади. Уни 3 соатга сочиқ билан ўраб қўйиш керак.

Болаларга 1 чой қошиқдан кунига 3 марта бериш кифоя. Анор пўстлоғини олиб, уни ярим соат 0,5 литр сувда паст оловда қайнатиб, уч марта ярим соат оралиғида бериш керак. Сўнгра 3 соат кутилиб, сурги дорилар ичилади. Муҳим эслатма: табиий воситалар фақатгина асосий медикаментоз давога қўшимча сифатида самара беради.

Болаларда гельментоз профилактикаси Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш муҳим ҳисобланади. Гельминтлар билан зарарланмаслик шартлари жуда ҳам осон ва самарали, фақатгина уларга риоя қилинса бўлгани. Улар қуйидагилар:

- Овқатланишдан олдин 2 марта қўлларни совун билан иссиқ сувда ювиш;
- Тирноқларни доимо олиб юриш;
- Ёш болалар кийимларини алмаштириб туриш;
- Болалар хонасини доимо тозалаб туриш;
- Ёш болали уйларда уй ҳайвонлари сақламаслик;
- Йилда 1 марта гельментларга қарши оилавий даволаниб туриш;
- Сайр давомида болалар қўлларини оғизларига солмасликларига эътиборли бўлиш.

Хулоса: Одамлар ўртасида гельминтоз касалликларининг олдини олиш учун асосий эътиборни шахсий санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки, гельминтоз касалликларининг асосий тарқалиш манбаалари бўлиб ювилмаган мева-сабзавотлар, ёш болалар туалет анжомлари (горшок ва бошқалар), болаларнинг ветеринария кўригидан ўтказилмаган уй ҳайвонлари билан мулоқатда бўлиши ҳолатлари хизмат қилади.

Аҳоли, айниқса ёш болалар ўртасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича тадбирларнинг кучайтирилиши гельминтоз касалликлари билан зарарланиш ҳолатларининг минималлаштирилиши ва касалликнинг бартараф этилишига олиб келади.

References:

1. Абдусамад Муйдинов Абдуқажом ўғли “ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЗАТРАТ ЭНЕРГИИ НА ПЕРЕМЕШИВАНИЕ” Дата публикации 2022/6/21 Журнал Yosh Tadqiqotchi Jurnalі Том 1 Номер 5 Страницы 375-380.
2. B. Soliyev, Y.G. Muypdinova, G. K. Mukhammadova, D. T. Ismailov THE CONTRIBUTION OF THE FOUNDERS OF MEDICINE TO THE SCIENCE OF HYGIENE AND THE EMPIRICAL DATA THE COLLECTED Fergana Medical institute of Public Health <https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7862018>
3. Нодира Убайдуллаева Абдукаримова, Халима Ахматалиева Ганиева, Гулора Махаммадиевна Сафарова, Ёкудхон Гиязидиновна Муйдинова “Морфометрическая характеристика лимфоидных узелков (пейеровых бляшек) тонкой кишки в онтогенезе” Дата публикации 2020 Журнал Universum: медицина и фармакология



Номер 2-3 (66) Страницы 4-4 Издатель Общество с ограниченной ответственностью
Международный центр науки и образования»

4. Ашурова Манзура Джалолдиновна Муйдинова Ёкутхон Гиязидиновна
Мухаммадова Гулбахор Кобилжон кизи ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПОВЕДЕНИЕ И ВОЗДЕЙСТВИЕ
ЗАГРЯЗНЯЮЩИХ ВЕЩЕСТВ В ВОДЕ BELARUS International scientific-online conference
“INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE” Part 12 March 19th COLLETIONS
OF SCIENTIFIC WORKS MINSK-2023

5. Ашурова М.Д., Ёктамова Ш.Н., Муйдинова Ё.Г., Мухаммадова Г.К.
МЕЖДИСЦИПЛИНАРНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА
124-128c Klinik va profilaktik tibbiyot jurnali 2023. № 1 JCPM ISNB 2181-353

6. Y. Muydinova, Rahmatllayeva Parizod Toxirjon qizi “TIRIK MAVJUDOTLARNI O’RAB
TURGAN EKOLOGIK MUHITNING, INSON TOMONIDAN SALBIY TOMONGA O’ZGARISHI” 119-
C

7. Международный научный журнал № 9(100), часть 2 «Новости образования:
исследование в XXI веке» апрель, 2023 г

8. М.Абдуллаева, Ё.Муйдинова, Ш.Тоиров “Влияние терапии экватором и тассироном
на клиническую симптоматику и функциональное состояние эндотелия сосудов у
больных неспецифическим аорто артеритом” Наука молодых. Научно-практический
журнал Г.Москва 09.10.2015г 210 – 215 с

9. [РАБОТА ЖЕНЩИН В НЕБЛАГОПРИЯТНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ УСЛОВИЯХ
ТРУДА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РЕПРОДУКТИВНОЕ ЗДОРОВЬЕ](#). Ф.Н.Қадиржанова
М.Д.Ашурова, З. Ш.Қорёғдиев, Ё.Г.Муйдинова 2023/3/22 Журнал Finland International
Scientific Journal of Education

10. Mudinova Yokutkhan Giyazidinovna Mukhammadova Gulbakhor Kobiljon kizi Ismoilov
Dilmurod Tavakkaljon o’gli “GLOBAL PROBLEMS OF LABOR PROTECTION IN
AGRICULTURE» 11-13c INDIA INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE Part 7
March 21st COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS NEW DELHI

11. Ашурова М.Д., Муйдинова Ё., Исмоилов Д., Ахмедов Р., Мухаммадова Г.
ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ТЕХНОЛОГИИ ПРОБЛЕМНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО
ОБУЧЕНИЯ (ПОО) В ПРАКТИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ГИГИЕНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН. 52-55
Для цитирования: ЖКМП.-2022.-Т.-№1.-С Поступила: 25.03.2022

12. Исмоилов Дилмурод Таваккалжон угли Солиев Бахтиёр Ахмаджонова Шахло
Валижон кизи ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТЬ SOUS VIDE: ОПТИМАЛЬНЫЙ ПОДХОД К
ОБЕСПЕЧЕНИЮ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ 36-
41c BELARUS International scientific-online conference “INTERNATIONAL SCIENTIFIC
RESEARCH CONFERENCE” Part 12 March 19th COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS MINSK-
2023

13. <https://modehed.uz>.

14. <https://www.physiome.CZ/>

15. <https://www.studmedlib.ru>

16. <https://www.@.mail.uz>.